

Ўзбекистон Республикаси чакана ва улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил январь ойи учун дастлабки маълумот

- I. Чакана савдо товар айланмаси
- II. Улгуржи савдо товар айланмаси
- III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси
- IV. Услубий маълумотлар
- V. Алоқадор бошқа ҳаволалар


I. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йил 1 февраль ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 87 070 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 344 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 86 726 тани ташкил этди.

2026 йилнинг январь ойида республиканинг чакана савдо товар айланмаси 32 698,4 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг январь ойига нисбатан 14,7%га ўсди. Жумладан, йирик корхоналарнинг савдо товар айланмаси 6 772,4 млрд сўмни (ўсиш суръати – 137,7%), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси эса 25 925,9 млрд сўмни ташкил этди (ўсиш суръати – 109,4 %).

Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръати


2026 йил январь ойи



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Чакана савдо товар айланмаси ҳажми \(ойлик\)](#)

Чакана савдо ҳажмида йирик корхоналар, кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бўйича динамикаси




II. Улгуржи савдо товар айланмаси

2026 йил 1 февраль ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 52 605 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 362 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 52 243 тани ташкил этди.

Республика бўйича 2026 йилнинг январь ойида улгуржи савдо товар айланмаси 35 382,5 млрд сўмни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 15,6 %га ўсди.


Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 9 983,9 млрд сўмни ташкил этди (ўсиш суръати – 122,1 %), кичик бизнес субъектларининг товар айланмаси эса 25 398,7 млрд сўмни (ўсиш суръати – 113,2 %). Республикада жами улгуржи савдо ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 71,8 %ни ташкил этди.

Улгуржи савдо ҳажми динамикаси
2026 йил январь ойи, млрд сўм



Мавзуга доир кўрсаткичлар:
[Улгуржи савдо ҳажми \(ойлик\)](#)

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари 2026 йил январь ойи



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръати \(ойлик\)](#)

III. Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмаси

2026 йил 1 февраль ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони 26 877 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 114 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 26 763 тани ташкил этди.

2026 йилнинг январь ойида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси 15 171,7 млрд сўмни ташкил этди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 18,9 %га ўсди. Савдо айланмасининг 82,4 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди, йирик корхоналар улуши эса 17,6 %ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо товар айланмасининг ўсиш суръати динамикаси 2026 йил январь



IV. Услубий маълумотлар

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмасининг статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, “Миллий ҳисоблар тизими – 2008”, “Чакана ва улгуржи савдо статистикаси бўйича халқаро тавсиялар” (БМТ, 2008), “Чакана товар айланмасининг статистик кузатуви ва унинг миқдорий кўрсаткичини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар” (МДХ қўмитаси, 2011) халқаро кўрсатмалар ва тавсиялардан фойдаланилади.

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмаси статистика кўрсаткичлари норасмий ва яширин иқтисодиётнинг статистик баҳолаш натижалари инобатга олинган ҳолда ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда, жами сонлар йиғиндиси ўртасидаги кичик тафовутлар маълумотларни яхлитлаш билан изоҳланади.

V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

[Улгуржи савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Улгуржи савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмаси ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

Чоп этишга масъул:

Ташқи иқтисодий фаолият ва
савдо статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

Электрон почта: info@stat.uz

Тел.: 71-203-80-00 (1180, 1185)

